



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

« 15 » декабрь 2021-у.

№ 03-01/9-5679 « \_\_\_\_\_ »- \_\_\_\_\_ 2021-ж.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг 2021 йил 3-декабрдаги 5/4238-сонли топшириғингиз бўйича

Қорақалпоғистон Республикасида ўқитувчи касбининг обрўйини ошириш, уларнинг яшаш тарзини яхшилаш, халқ таълими ходимлари учун имтиёзли ипотека кредитлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қуйидаги таклифларни билдиради.

1) Янги қурилаётган уйлardan имтиёзли равишда педагог ходимлар учун ипотека кредитларини ажратиш;

2) Йил якуни бўйича натижаларга эришган ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш ва уларга барча коммунал тўловларни тўлашда имтиёз белгилаш;

3) Инновацион таълим технологияларини жорий этиш ва уларни тажрибадан ўтказиш мақсадида жамоавий “Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси”ни ташкил этиш ва унда ғолиб бўлган жамоаларга маҳаллий ҳокимликлар маблағлари ҳисобидан тақдирлаш ва давлат мукофотларига тавсия киритиш;

4) Ўқитувчиларнинг таълим соҳасидаги касбий ва методик эҳтиёжларини (техник қуроллар) ҳисобга олиб, уларга имтиёзли равишда кредитлар ажратиш;

5) Ҳар чорак якуни бўйича педагог ходимлар учун “Бозор ярмарка”ларини ташкил этиш;

6) Ўқитувчиларнинг олиб бораётган фаолияти ва эришаётган ютуқлари, ҳар хил инновацион ва халқаро таълим ресурсларидан узоқ ҳудудлардаги мактаб ўқитувчиларининг фойдаланиши учун “Таълим” телеканалини ташкил этиш;

7) Ўқитувчиларнинг жамиятдаги мақеини янада ошириш мақсадида натижаларга эришган ўқитувчиларни чет элларга ва юртимиздаги тарихий обидаларга саёхатларини тизимли равишда ташкил этиш.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов

Тайёрлаган: А.Даулетбаев  
Телефон: 97 500-77-29

